

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САНАТОРИЙ-КУРОРТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТИРИХИ (1930-1953 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА).

Аҳмедова Рашида Муқимовна.

Муқимий номли Қўқон давлат педагогика институти Тарих ўқитиши методикаси
кафедра катта ўқитувчиси

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда фаолият олиб борган болалар санаторий-курортлари тарихини ўрганиш, санаторий-курорт ишини йўлга қўйилиши, худудлардаги жойлашуви ва умумий ҳолати ёритилган. Хусусан, болалар санаторий-курортларида мавжуд бўлган муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:

Санаторий-курорт, Н.А.Семашко, Водил, Ёнғоқзор, Номозгоҳ, Чимён, Ғова, Оғалиқ, Бўзсув дарёси, Ворошилов.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается процесс изучения истории детских санаториев и здравниц в Узбекистане, организации санаторно-курортной деятельности, их расположении в регионах и общей ситуации. В частности, проанализированы существующие проблемы детских санаториев.

Ключевые слова:

Санатория-курорт, Н.А. Семашко, Вадил, Ореховая роща, Намазгах, Чимян, Гова, Оғалиқ, река Бузсув , Ворошилов.

Санаторий ва курортлар тарихини тадқиқ этиш жараёнида Ўзбекистондаги болалар соғлиғини сақлаш, уларга профилактик ёрдам кўрсатиш масалаларини ўрганиш ҳам муҳим вазифалардан бири хисобланади. Ўзбекистондаги Соғлиқни сақлаш тизими тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1917 йилгача ўлкада бирорта ҳам болалар даволаш профилактик муассасалари, санаторийлар мавжуд бўлмаган.

Ушбу тарихий жараёнларни ўрганиш натижасига кўра Республикада болалар санаторийларини ташкил этишни З даврга ажратишимиш мумкин. Биринчи даври 1940 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда асосан болалар учун умумий соғломлаштириш санаторийлари ташкил этилган.

Иккинчи даври Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилдан 1952 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда болалар санаторийларининг аксариятида Сил касалига чалинган бемор болалар даволангандан¹.

Учинчи даври 1952 йилдан бошлиб Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум бир касалликлар бўйича болалар санаторийларини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи чиққанидан кейинги давр хисобланади. Чунки бу буйруқ эълон қилингандан кейин болар учун маҳсус санаторийлар очила бошлаган.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатди 1920 йилда Ўзбекистонда 2 минг 695 ўринга эга бўлган 28 та болалар санаторийси ва 1930 йилларнинг ўрталарида эса 9857 та ўринлик болалар даволаш профилактик муассасалари фаолият юрита бошлаган. 1954 йилга келиб эса Ўзбекистондаги болалар санаторийсининг сони 32 тага етган ва унда 3 минг 520 ўринли жой мавжуд бўлган².

¹ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 1-варак.

² Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 1-варак .

1930 йилларнинг охирида деярли барча вилоятларда болалар сил касалликларини даволовчи санаторийлар ташкил этилган. Уларнинг энг йириклари Водилда (200 ўрин), Чустда (200 ўрин), Оғалиқда (250 ўрин), Бухорода (50 ўрин), Хоразмда (200 ўринли) санаторийлари хисобланган. Мазкур санаторийларнинг ҳаммаси лаборатория, рентген кабинетлари, физиотерапия аппаратларига эга бўлган бўлиб, уларга Н.А.Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти ходимлари томонидан назорат қилинган ҳамда мунтазам равишда тиббий маслаҳат бериб борилган³.

1950 йиллар бошида Водил болалар санаторийси Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфида бўлган. Водилдаги санаторийга етиб олиш учун Горчокоп станциясидан Фарғонагача ва Фарғона меҳмонхонасидан Водилгача автобусда борилган. 1953 йилда Водил санаторийсида қиш мавсумида 50-60 бола ёз мавсумида 350-400 бола даволанган, жами май ойидан август ойигача 1223 нафар бемор бола даволанган⁴.

Ёнгоқзор номли Республика Сил касалликларини даволовчи санаторийси Тошкент шахридан шимолий гарбда 15 км узоқликда жойлашган. Унинг худуди 24 гектар бўлиб, у ёнгоқзордан иборат эди. Ёнгоқзорлар ўртасида чиройли гулзорлар мавжуд эди. Санаторийни жануб томони Бўзсув дарёси билан чегарадош бўлиб, бу юқори намлиknи вужудга келтирган. Умуман санаторийнинг иқлим шароити Тошкент шахри билан деярли бир хил бўлиб, чанг камлиги ва намлик юқорилиги билан ажралиб турган. Санаторий йил мобайнида сил касаллигига чалинган болаларни даволаган ва 250 ўринга эга бўлган. Улардан 150 таси ўпка сили ва 100 таси суяқ силига мўлжалланган эди⁵. 1930 йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда 9857 та ўринлик болалар даволаш профилактик муассасалари фаолият юритган. Бу ерда 13 нафар шифокор 22 нафар ўрта тиббий ходим хизмат қилган. Санаторийнинг йиллик бюджети 1 мил.700 минг сўмни ташкил қилган. Тошкент вилоятида барча болалар муассасалари Тошкент шахри атрофида жойлашган⁶.

Фарғона вилоятида 3 та болалар санаторийси мавжуд бўлиб, улардан бири Қўқонда суяқ сили касаллигига чалинган bemорларга мўлжалланган, бу санаторийда 70 та ўрин бўлиб, у йил бўйи bemорларга тиббий ёрдам кўрсатган. Шунингдек Чустда жисмонан заиф бўлган болалар учун 200 ўринлик санаторий мавжуд бўлган⁷.

Самарқанд сил касалликларини даволовчи санаторийси Самарқандга яқин Номозгоҳ деган жойда жойлашаган. Самарқандда Номозгоҳ санаторийсидан ташқари 250 ўринга мўлжалланган ва йилига 5 ой фаолият юритадиган Ворошилов номидаги санаторий ҳам мавжуд бўлган⁸. Бухорода жисмонан заиф бўлган болаларга мўлжалланган 50 ўринли санаторий бўлиб, ундаги ўринлар сони ёзда 150 тага етказилган.

Хоразим вилоятида жисмонан заиф болалар учун йилига 800 кишига тиббий ёрдам кўрсатадиган санаторий фаолият юритган.

Тошкентдан шимолий шарққа 90 км узоқликда жойлашган ва денгиз сатҳидан 1430 метр баландлиқда бўлган Чимён санаторийси Ошқозон ичак касалликларига чалинган болаларга хизмат кўрсатган. Чимён иқлими бўйича Ўрта Осиёдаги энг яхши курортлардан хисобланган⁹. Унинг хавосида 1 см³ да 30 дан 90 тагача чанг заррачалари бўлиб, тозза, қуриқ тоғ хавоси, булоқ суви, Тошкентга қараганда ёз вақтида температурасининг анча паст бўлиши сабабли Чимён Ўзбекистоннинг энг яхши болалар курортларидан хисобланган¹⁰.

³ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 445-иш, 84- варак орқаси.

⁴ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 449--иш, 39-варак.

⁵ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14- фонд, 1-рўйхат, 133- иш, 37- варак.

⁶ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд. 1-рўйхат 133- иш. 98- варак.

⁷ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд. 1-рўйхат 133- иш. 99- варак

⁸ Файбушевич В.М. Наши достижения, недостатки и задачи. Труды Государственного научного института курортологии и физиотерапии им. Н.А.Семашко. Том II. –Ташкент, 1934. – 88 с.

⁹ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд. 1-рўйхат 133- иш. 100- варак.

¹⁰ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, 14 фонд. 1-рўйхат 133- иш. 100- варак орқаси.

Ўзбекистондаги болалар санаторийлари фаолиятини тарихини таҳлил қилиш давомида, ташкил этилган ушбу болалар санаторийларида бир қанча камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда санаторийларни касаликлар бўйича ташкил этиш қониқарсиз формал равишда ўтказилган. Жумладан, Чимён санаторияси ўпка силининг заиф шаклига чалинган болаларга мўлжалланган бўлса, 1953 йилда ушбу санаторийда даволанаган 1 минг 60 нафар боладан 223 нафари соғлом ҳамда 98 нафари раҳид ва гипотрафияга чалинган эди. Шунингдек, Намангандаги Гова санаторийси ўпка силининг шу шакли билан касалланган болаларга мўлжалланган эди, аммо санаторийда даволанган 478 боладан¹¹ 283 нафари ёки 65% овқат этишмаслигидан заиф бўлиб қолган болаларни ташкил этган. Янги ўрнатилган тартибга Фарғона вилоятидаги Водил, Тошкентдаги Красный майки ва Самарқанддаги болалар санаторийси ҳам амал қилмаган. Бу тартибга қатъиян амал қилган санаториялар ичida “Ёнғоқзор”, Суяк сили касаллигини даволовчи санаторий, Ворошилов номидаги болалар ўпка силини фаол шаклини даволашга мўлжалланган республика санаторийси, Андижон шаҳридаги 1-ва 2-сонли санаторийлар, Қорақалпоғистон АССР даги сил касаллигининг заиф шакллари билан оғриган болалар санаторийларини киритиш мумкин. Аммо жойлардаги бошқа болалар санаторийлари ушбу тартибга амал қилмаганлиги, касалликларига қараб ажратиш амалда тўлиқ ташкил этилмаганлиги, бу эса даволаниш натижаларига салбий таъсир кўрсатганлигини кўрамиз.

Ундан ташқари болалар санаторийларини худудларда жойлашувида ҳам хатоликлар мавжуб бўлиб, агар республикада вилоятлар кесимида болалар санаторийларини жойлашувига эътибор қаратсан, 1954 йилда Тошкентда 8 та, Фарғонада 4 та, Самарқандда 3 та, Андижонда 3 та, Наманганд 3 та, Бухорода, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва ҚААССР да 1 тадан санаторий борлиги кўринади. Республика миқёсидаги санаторийлар сони 4 та бўлиб, улардан 2 таси Тошкент вилоятида, 1 таси Тошкент шаҳрида ва 1 таси Чимёнда жойлашган эди. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, бу жараён нотекис ривожланган. Баъзи вилоятларда болалар санаторийларининг сони биттадан бўлса, баъзи вилоятларда эса уларнинг сони учта ёки тўртадан ташкил этилган¹². У ҳолатни қўйидаги келтирилган жадвалда кўришимиз мумкин:

1-жадвал.

Ўзбекистон ССР Болалар санаторияларининг жойлашуви¹³

| № | Областлар | Муассасалар сони | Ўринлар сони | |
|--------------|------------|------------------|--------------|-------------|
| | | | Ёзда | Қишида |
| 1. | Тошкент | 16 | 2835 | 1500 |
| 2. | Самарқанд | 4 | 470 | 365 |
| 3. | Фарғона | 5 | 620 | 350 |
| 4. | Наманганд | 3 | 350 | 100 |
| 5. | Андижон | 3 | 225 | 225 |
| 6. | Бухоро | 1 | 100 | 100 |
| 7. | Қашқадарё | 1 | 100 | 100 |
| 8. | Сурхондарё | 1 | 100 | 100 |
| 9. | Хоразим | 1 | 50 | 50 |
| 10. | ҚААССР | 1 | 125 | |
| Жами: | | | 4975 | 2890 |

¹¹ Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 2-варак.

¹² Ўзбекистон Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари Миллий архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 446-иш, 3-варак.

¹³ Ўз.Рес.Илмий техник ва тиббиёт хужжатлари давлат архиви. 14-Фонд, 1-рўйхат, 455-иш, 13-варак

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда собиқ совет иттифоқи хукумронлиги йилларида болалар учун санаторийлар ташкил этилган.

1. Дастребки йилларда умумий соғломлаштириш санаторийлари ташкил этилган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврларда сил касалига чалинган болаларни даволовчи санаторийлар фаолият олиб борган. 1953 йилдан эса маълум бир касалликлар бўйича маҳсус болалар санаторийлари шакллана бошлаган.
2. Болалар санаторий-курорт муассасалари фаолиятининг дастребки даврларидан даволаш ишлари қониқарли даражада йўлга қўйилган. 1950 йилдан кейинга даврларда болалар санаторийларидағи даволаш ишлари ривожланган. Уларни сони йилдан йилга ошиб борган. 1990 йилларга келиб болалар санаторийларидағи ўринлар сони 9840 тага кўпайди.
3. Ўзбекистондаги болалар санаторийларида даволанувчи болалар учун ўқув машғулотлари ташкил этилди, лекин кўп ҳолларда кадрлар етишмаслиги сабабидан бу машғулотларни ўз вақтида олиб боришда айрим муаммоларни келтириб чиқарди.
4. Болалар санаторий-курорт муассасаларидағи хўжалик ишларини юритиш ҳамда даволанувчиларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш ишларида ҳам муаммолар мавжуд эди. Лекин юқорида таҳлил этилган муаммо ва камчиликларга қарамасдан Ўзбекистондаги болалар санаторий-курортлари ўз фаолиятини давом эттириб, йилдан йилга ривожлана борди.